

**Мирзо Улуғбек номидаги Самарканд Давлат
Архитектура - Қурилиш Институтини**

**"Бино - иншоотларни лойихалаш ва Сервис"
кафедраси**

***ДИПЛОМ ЛОЙИХАСИ БУЙИЧА
ТУШУНТИРИШ ХАТИ***

Кафедра мудири:

т.ф.н., доц. Байзаков А.А.

Диплом лойихаси рахбар:

т.ф.н., доц. Тулаков Э.С.

Битирувчи:

Худоярова Мафтуна.
401-Сервис гуруҳи
талабаси

Самаркуанд 2015 йил.

Мундарижа

1. Кириш.....	4
2. Меъморий-қурилиш қисми.....	6
3. Технология соҳаси ва меҳнат муҳофазаси қисми.....	17
4. Биноларни эксплуатация қилиш соҳаси қисми.....	27
5. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги қисми.....	43
6. Экология ва атроф муҳит муҳофазаси қисми	53
7. Хулоса.....	59
8. Адабиётлар.....	61

К И Р И Ш

Кириш.

Республикамиз мустақилликка эришганидан кейин юртимизнинг барча гўшаларида изчил янгиланишлар ва ўзгаришлар амалга оширилди. Барча соҳаларда бўлгани каби қурилиш соҳасида ҳам кўплаб ўзгаришлар, ривожланишлар амалга оширилди. Юртимизнинг барча жойларида барпо этилаётган турар-жой ва жамоат бинолари бунга ёрқин мисол бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, кейинги йилларда республикамизда қурилишга бўлган эътиборнинг ортиши кўплаб четэл сармоядорларнинг эътиборини тортмасдан қолмади. Бунинг натижасида республикамизда кўплаб четэл сармоядорлари билан ҳамкорликда кўплаб лоойихалар амалга оширилди бу каби ишлар бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Бу каби ишларга ёрқин мисол қилиб мамлакатимизнинг дастлабки йилларида бунёд этилган “ЎЗДЭУ” автомобил заводи, Самарқанддаги “СамКОЧ” авто колаверса янги “ЖМ Ўзбекистон” “MAN” заводлари мисол бўла олади. Бундан ташқари юртимизда турар-жой ва жамоат биноларига бўлган талаб ортиб бормоқда. Қурилишнинг бу соҳасига бўлган талабнинг ортиши натижасида кейинги йилларда мамлакатимизнинг барча жойларида турар-жой ва жамоат бинолари қурилиши жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Мавжудлари таъмирланиб қайта реконструкция қилинмоқда. Талабга жавоб бермайдигинлари бузиб ўрнига янги замонавий кринишга эга бўлган бинолар барпо этилмоқда.

Шунини эътиборга олиб қурилиш соҳасига таълуқли норматив ҳужжатларнинг баъзиларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Шу билан бирга президентимизнинг бир қанча қарор ва фармонлари чиқарилди. Шулардан бири 2003 йил 6 май, ПФ-3240-сон **“Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги”** Ўзбекистон республикаси президентининг фармони. Бу фармоннинг чиқарилиши қурилишга бўлган талабни икки хисса орттирди. Бундан ташқари архитектор, лойихачи ва қурувчи-муҳандислар зиммасига катта маҳсулят юклайди. Шундай экан бу соҳада таҳсил олаётган кишилар ва фаолият кўрсатаётган мутасадди ташикилотлар раҳбарларидан катта маъсулят талаб этади. Мен ҳам шу соҳада

тахсил олар эканман келажакда юритмиз равнақига ўз хиссамни қўшиш учун бор билимимни сарфлайман. Шу нуқтаи назардан қурилишга бўлган талабнинг ортишини эътиборга олиб битирув малакавий ишим сифатида **“Жиззах вилояти, Дўстлик туманида қайта тъмирланаётган 1- мактаб биносини”** танладим.

Маълумки мактаб биноси жамоат биносига таълуқлидир. Қолаверса таълим тарбия маскани ҳисобланади. Шундай экан таъмирлаш жараёнида бинони бугунги кун талабларига мос қилиб лойихалаш талаб этилади.

МЕЪМОРИЙ- ҚУРИЛИШ ҚИСМИ

1-БЎЛИМ. МЕЪМОРИЙ-ҚУРИЛИШ ҚИСМИ.

Дастлабки маълумотлар.

Таъмирланаётган бино: **Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги қайта таъмирланаётган 1-мактаб биноси:**

Қурилиш жойи 7 балли зилзилавий ҳудудга киради. Шу сабабли бинонинг зилзилабардошлигини ошириш тадбирлари **ҚМҚ 2.01.03-96** “Зилзилавий ҳудудларда қурилиш”га асосан бўлиши керак. Қурилиш ҳудудининг иқлим кўрсаткичлари **ҚМҚ 2.01.01-94** “Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий геологик маълумотлар”га асосан қабул қилинади. Улар қуйидагилардан иборат:

Ташқи ҳавонинг ўртача суткалик энг совуқ ҳарорати: $t_T = -19^{\circ}\text{C}$;

Ташқи ҳавонинг ўртача беш кунлик энг совуқ ҳарорати: $t_{T5} = -19^{\circ}\text{C}$.

Июл ойи учун ўртача ойлик ҳарорат: $t_{T \text{ июл}} = +28.6^{\circ}\text{C}$.

Ташқи ҳавонинг ҳарорати тебранишларининг июл ойи учун суткалик максимал амплитудаси: $A_{\text{ст}} = +24.9^{\circ}\text{C}$

Қуёш радиацияси горизонтал сирт учун: $I_{\text{мак}} = 920 \text{ Вт/м}^2$; $I_{\text{ўр}} = 333 \text{ Вт/м}^2$;

Ғарбга қараган вертикал сирт учун: $I_{\text{мак}} = 740 \text{ Вт/м}^2$; $I_{\text{ўр}} = 172 \text{ Вт/м}^2$;

Румб бўйича қайтарилиши 16 % ва ундан ортиқ бўлган шамол ўртача тезлигининг июл ойи учун минимал қиймати: $V = 2,6 \text{ м/сек}$.

Таъмирланаётган бинога яъни унинг конструкцияларга бўладиган таъсирлар:

-Қордан тушадиган юк – 50 кгс/м^2

-Шамолнинг босими – 38 кгс/м^2

-Бино жойлашган ҳудуд зилзила кучи – 7 балл.

-Музлаш чуқурлиги яъни ернинг музлаш чуқурлиги ҚМҚ [4] 2.01.01-94 га асосан Дўстлик тумани учун – 0,35м ни ташкил қилади.

-Грунт шароити II- тип чўкувчан грунт.

-Таъмирланаётган бино узоққа чидамлилиқ бўйича – II типдаги бинолар сирасига кириб, 50-100 йилгача фойдаланса бўлади.

- Оловбардошлиқ даражаси бўйича бино – II тип.

Бош режа.

Турар-жой биноларини куришда, таъмирлашда ва уларни лойиҳа қилишда ҳамда уларни иситиш, ёрдамчи биноларни жойлаштиришда бош режа тузилади.

Бош режани чизишда биринчи навбатда шамол гули чизилади. Шамол гули КМК 2.01.01-94 “Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий геологик маълумотлар”га асосланиб чизилади.

Жиззах вилояти, Дўстлик тумани учун шамол йўналишини тузиш учун маълумотлар.

Қутблар Шамол кўрсаткичи	Шм	ШмШқ	Шқ	ЖШқ	Ж	ЖҒ	Ғ	ШмҒ
Шамол йўналиши такрорланиши	13	11	29	16	8	3	10	10
Шамол тезлиги	1,6	1,7	2,4	2,9	2,1	2,1	1,9	1,5

Реконструкцияга бўлган бинонинг ҳажмий режавий ечими.

Таъмирланаётган жамоат биноси уч қаватли бўлиб, режадаги ўлчамлари бино узунлиги $L=27600\text{мм}$, эни $B=15000\text{мм}$; баландлиги $H=9410\text{мм}$. Бинонинг 1-қаватида вестибюл, директор хонаси, кимё хонаси, ўқитувчилар хонаси, чет тили хонаси, бошланғич ҳарбий тайёргарлик хонаси, биология хонаси, библиотека, ошхона, коридор, 2-та алоҳида чиқишга эга зинахоналар ва гардероб хоналаридан иборат.

Бинонинг 2-чи қаватида рекреация, коридор, она-тили хонаси, физика хонаси, чет-тили хонаси, тарих хонаси, география хонаси, рус тили хонаси, информатика хонаси, математика хонаси, завуч хонаси, иккита зинахона, омборхонадан иборат.

Биноаги хоналарнинг тўлиқ номланиши чизма қисмида жадвал шаклида алоҳида келтирилган. Бинодаги хоналар баландлиги 3,0м, қават баландлиги 3,3м. Ўқув биносининг сифими ҚМК 2.08.02-96 нинг 2.9 – 2.10 банди 6-жадвалига мувофиқ қабул қилинган яъни синфлар тўлдириш 30-ўқувчидан ошмаслиги ва синф хоналарида ҳар бир ўқувчига $2,0\text{ м}^2$ майдон таъминланган.

Бинонинг реконструкциядан олдинги конструктив ечими.

Пойдевор. Бинодаги юк кўтарувчи ва ўзини-ўзи кўтарувчи деворлар остида пойдевор лентасимон монолит бетондан қилинган. Пойдевор тагининг кенглиги конструктив равишда 1,2м қабул қилинган.

Ёғоч буюмлар рўйхати.

Белгиси	Белгиланиши	Номланиши	Сони (дона)
Дераза блоклари			
Д - 1	ГОСТ 11214-78	ОС 18-18	46
Эшик блоклари			
Э - 1	ГОСТ 203-78	ДН 2077-9	66
Э -2	ГОСТ 6629-74	ДН 21-9	34

Пойдеворнинг қалинлиги 0,5м. Пойдеворнинг ости ер сатҳидан -1,2 м чуқурликда жойлашган, яъни пойдевор остидаги грунт қишда музламайди.

Деворлар. Бинодаги ташқи ва ички деворлар юк кўтарувчи ёки ўзини-ўзи кўтарувчи бўлишидан катъий назар пишиқ ғиштдан қилинган. Деворнинг қалинлиги пишиқ ғиштнинг ўлчамларига мувофиқ равишда 380 мм, 250 мм қабул қилинган. Деворни теришда цемент-қум қоришмасидан фойдаланишган. Қоришма маркаси М 50 дан кам эмас.

Деворнинг қалинлиги теплофизик ҳисоблашлар натижасида текширилиб кўрилган ва етарли эканлиги асослаб берилган.

Ёпмалар. Қаватлараро ва чордоқ ёпмасининг юк кўтарувчи конструктив элементи сифатида кўп ғовакли темир-бетон плиталар қўлланилган.

Плиталарнинг қалинлиги 220мм қабул қилинган. Бинонинг зилзилабардошлигини таъминлаш мақсадида ёпма плиталари жойлашган сатҳда 4 та диаметри 12мм арматура билан жиҳозланган, монолит бетондан зилзилага қарши камар қилинган. Зилзилага қарши пояснинг кенглиги ички деворларда 140мм, ташқи деворларда 260мм гача қўйилган.

Поллар. Пол конструкциялари хонанинг вазифасига қараб қабул қилинган. Синф хоналарида поли – ёғоч тахта пол, ошхонада керамик плиталардан, омборхона ва зинахоналарда бетондан. Коридор, рекреация ва вестибюл мозаикали поллар қилинган.

Эшик ва деразалар. Бинода ёғочдан ясалган эшик ва деразалар қўлланилган. Асосий деразаларнинг номинал баландлиги 1800 мм, эни 1800 мм, 1500 мм, 1200 мм бўлган деразалар қабул қилинган. Кириш эшиклари икки табақали қилиб ясалган. Эшикларнинг баландлиги 2100 мм, эни эса 1200 мм, 900 мм қабул қилинган.

Ички пардоз ва ташқи пардоз. Бино деворларининг ташқи сирти оҳак – қум қоришмаси билан сувалган. Сувоқнинг қалинлиги 30 мм. Бино деворларининг ички сирти ҳам оҳак – қум билан сувалган.

Реконструкциядан кейин бинонинг ҳажмий-режавий ва конструктив ечими.

Таъмирланаётган бино Дўстлик туманида жойлашган бўлиб, 7-баллик сейсмик ҳудудда жойлашган.

Бинони конструкцияларини теккшириш натижасида қуйидаги техник хулосага келинди:

Бино сейсмиклиги 7-баллик ҳудудда жойлашгани учун ҚМҚ 2.01.03-96 нинг 3.1-жадвалига мувофиқ 2 – категорияли тош-ғишт теримли девордан иборат, бино баландлиги 5,0 м, қаватлар сони биттадан ошмаслиги белгиланган. Бўйлама деворлар орасидаги масофа – 9 м дан ошмаслиги керак. Кўндаланг деворлар орасидаги масофа 9 м дан ошмаслиги керак. Бино узунлиги ҳам 7-баллик ҳудуд учун – 32,40 м ошмаслиги кўрсатилган.

Юқоридаги талабга жавоб бермайдиган фактларни инобатга олиб, биномизни 2-категорияли комплекс конструкцияга айлантириш ва бинони иккита алоҳида блокларга бўлиш орқали ҚМҚ 2.01.03-96 нинг 3.1. жадвалига мувофиқлаштиришни лозим кўрдик. Бунинг учун яъни комплекс конструкцияга айлантириш учун бино деворлари туташган қисмларида, бурчакларида бино пойдеворидан то 2-қават сейсмик камаригача деворларни ташқи ва ички

қисмларидан алоҳида 4 та диаметри 16 мм ва уларни туташтирувчи (деворларни ҳар 0,4 м дан тешиқлар орқали) диаметри 8 мм арматуралар билан каркас ҳосил қилиниб, уларни ҳимояловчи бетон қоплама қалинлиги 10 см дан иборат плиастрлар қўлланилади.

Деворни иккига бўлган жойда яъни 4 ва 5 ўқлар оралиғида рама ҳосил қилинди. Унинг каркасини арматураларини конструктив равишда 4 та 16 мм плиталар бўлинган жойида 4 та 16 мм арматуралардан иборат каркас конструктив равишда қабул қилинди. ҚМҚ 2.01.03-96 3.1. жадвалига асосан бино баландлиги 14.80 м ва қаватлар сони 3 тагача, бўйлама деворлар орасидаги масофа 12 м гача, кўндаланг деворлар орасидаги масофа 12 м гача, бино узунлиги эса 40 м гача рухсат берилган. Демак комплекс конструкцияли биномиз фақатгина узунлик бўйича ўтмайди. Бу ҳолни инобатга олиб биз бинони иккита алоҳида блокларга бўлишга қарор қилдик. Бу тадбирлар натижасида биномизни зилзилабардошлиги, умрбоқийлиги, мустаҳкамлиги бир неча бор ошади. Деворларда ғишт терими маркаси 75 дан кам бўлмаган пишиқ ғиштан терилган. Деворлар сейсмик кучлар таъсирига қаршилик кўрсатиш қобилиятига қараб тоифаларга бўлинади. Олий тоифали деворлар учун $R_t^e \geq 500 \text{ кПа}$ (5 кг/см^2);

I – тоифали деворлар учун $500 \text{ кПа} > R_m^e \geq 180 \text{ кПа}$ ($1,8 \text{ кг/см}^2$)

II – тоифали деворлар учун $180 \text{ кПа} > R_t^e \geq 120 \text{ кПа}$ ($1,2 \text{ кг/см}^2$).

Таъмирланаётган бинода R_t^e нинг қиймати $R_t^e = 134 \text{ кПа}$. Демак биномиз девори II- категорияли (тоифали) ҳисобланади. Простенка (икки дераза оралиғи) баландлигининг кенглигига нисбати ғишт деворларда 2 дан ортиқ бўлса сейсмик кучлар таъсирига ҳисоблашда эътиборга олинмайди.

Простенкалар 8 баллик ҳудуд учун ҚМҚ 2.01.03-96 да II – тоифали девор учун кенглиги камида 1,16м бўлиш керак. Таъмирланаётган бинодаги барча простенкалар ушбу талабга жавоб беради.

Олиб борилган текширув хулосасига кўра бинодаги ёғоч ва линолеум поллар 100% яроқсиз ҳисобланиб тўлалиғича алмаштирилади. хоналарда пол қалинлиги 30 мм тахтадан қилинди. Биринчи қаватдаги ҳар 500-600 мм масофада ўрнатиладиган лагалар устида ётқизилади. Лагалар кесими 80 x 60 мм

бруслардан қилинади ва улар баландлиги 220 мм ли ғишт устунларга таянадилар, наждан ҳимоялаш мақсадида ғишт устидан толь қоғоз парчаси тўшалади. Ғишт устуни бетон тўшама устига ўрнатилади. Иккинчи қаватда тахта пол лагаси бевосита ёпма плитага таянади. Товушни ўтказмаслик учун лага ва ёпма плита орасига юмшоқ тахтадан қистирма қўйилади.

Ошхонада пол керамик плиталардан қилинган. Керамик плиталар цемент-қум қоришмаси ёрдамида терилади. Бино таъмирламасдан олдин томи асбест-цемент шифер қопламасидан қилинган ва эксплуатация давомида 20% гача яроқсиз ҳолга келган ва сув қочириш йўли ташкиллаштирмаган. Том ёпма шикастланган еридан сув ўтган ва том ёпма плитасига шикаст етказган ва хонадаги меъёрий шароит бузилишига олиб келган. Ушбу носозликлар бартараф қилинди, яъни том қисми қайтадан шикастланган жойлари очилиб зарар етган том конструкция элементлари алмаштирилди.

Таъмирланаётган бинонинг эшик ва деразалари текширишлар натижасида қабул қилинган техник хулосага кўра ёғочдан қилинган эшик ва деразаларида коробкаларнинг синиши, чириши, намлик таъсиридан эгилиши, ёрилиши каби нуқсонлар натижасида хонадаги меъёрий иқлим шароитнинг бузилиши содир бўлган, деразалардаги тешиклар орқали хонага совуқ ҳавонинг кириши ошган. Юқоридаги айтиб ўтилган нуқсонлар ҳисобга олиниб, таъмирланаётган мактаб биносининг эшик ва деразалари яроқсиз деб топилди ва 100 % тўлалигича алмаштирилди. Эски ёғоч эшик ва деразалар ўрнига янги замонавий технологиялар асосида тайёрланаётган, замон талабларига жавоб берадиган пластик эшик ва деразалар ўрнатилди. Юқорида қилинган ишлар натижасида қишлоқ жойдаги эски мактаб биноси тўлалигича таъмирланиб, замон талабларига жавоб берадиган ҳолатга келтирди.

Бинонинг техник ҳолатини амалдаги ҚМҚ ва ШНҚ талабларига мослигини таҳлил қилиш натижалари.

Қуйида берилаётган тавсиялар бинони кўз билан чамалаб ва инструментал текшириш натижасида ҚМҚ [1] п.2.2 ва ҚМҚ [4] нинг ва бино 7-баллик ҳудудда жойлашганлигини ҳисобга олиб берилмоқда.

Лойиҳалаш институти бошқа илмий-иқтисодий томондан асосланган ечимларни (кучайтириш ва бошқа комплекс тадбирлар) қўллашлари мумкин:

- Пойдеворнинг техник ҳолати – қониқарли. Бино пойдевор конструкциясида ташқи вертикал гидроизоляция қатлами йўқ.

- Деворнинг техник ҳолати – қониқарли. ҚМҚ [1] п 3.1.1 талабларига жавоб беради.

- Бино узунлиги 27.6 м бўлиб, ҚМҚ [1] 3.1 жадвал талаби бўйича 7-баллик ҳудуд учун бино узунлиги 24,0 дан ошмаслиги керак.

- Бино баландлиги $H=9.41$ маватлар сони 2 – қаватдан иборат. ҚМҚ [1] п 3.1.1 ва п 53.1 жадвалга асосан 7-баллик ҳудуд учун бино баландлиги $H<5,0$ м, қаватлар сони 1-этаждан ошмаслиги керак, демак бу шарт қаноатлантирилмаган.

- Бўйлама девор қадами – 7.2 м бўлиб ҚМҚ [1] 3.1 жадвалга асосан бўйлама девор қадами 9,0 метрдан ошмаслиги керак, шартни қаноатлантиради.

- Кўндаланг девор қадами 6 бўлиб, ҚМҚ [1] 3.1 жадвал талабига кўра кўндаланг девор қадами 7 – баллик ҳудудда 9,0 метрдан ошмаслиги керак, бу шарт қаноатлантиради.

- Қават баландлигининг девор қалинлигига бўлган нисбати 8,16 бўлиб, норма бўйича бу кўрсаткич 12 дан ошмаган шарт қаноатлантирилган.

- Деразалар ораси деворлари (простенок) 1,65 м ҚМҚ [1] п 3.5.8 ларга асосан 7-баллик ҳудудда деразалар ораси девор эни 1,16 м дан кам бўлмаслиги керак, бу шартни қаноатлантиради.

- Пол қисмининг ҳолати – қониқарсиз.

- Гишт терим мустаҳкамлиги ҚМҚ [1] п 3.5.4 лар талабига жавоб беради.

- Гишт терими қоришмасининг мустаҳкамлиги ҚМҚ [1] п. 3.5.3 талабига жавоб беради.

- Йиғма темир-бетон элементларнинг техник ҳолати – қониқарли.

- Плиталар ва эшик, дераза перемичкалар эгилиши кўрсаткичи, ҚМҚ [5] п.2.19-жадвал талабларига жавоб беради, яъни рухсат этилган эгилиш кўрсаткичидан ошмаган.

- Плиталар ва перемичкаларнинг деворга миниши яъни жойлашиш чуқурлиги ҚМҚ [5] п.3.5.15 лар талабларига тўғри келади, яъни плиталар учун бу кўрсаткич ≥ 120 мм, перемичкалар учун ≥ 350 мм дан ортиқ.

Бинонинг техник ҳолати бўйича мулоҳазалар ва хулоса.

Юқоридаги бандда кўрсатилган, кўз билан чамалаб ва инструментал текшириш натижаларни ўрганиб бинонинг йиғма темирбетон конструкциялари (пойдевор, ораёпма ва том ёпма плиталар, зинапоя ва бошқалар) умумий техник ҳолати – қониқарли. Девор конструкцияси техник ҳолати – қониқарли. Поллар яроқсиз ҳолатга келган. Бинонинг дераза ва эшик табақалари 40% фоизгача яроқсиз. Том ёпма конструкцияси яъни шифер қопламаси 20% фоизгача емирилган. Ёғин-сочиндан тушадиган сувларни кетказиш асфальт қоплама яъни бино периметри бўйлаб отмостка йўқ.

Ушбу юқоридаги мулоҳазаларни инобатга олиб қуйидагиларни тавсия қилинади:

1. Бино узунлигини ҚМҚ [1] талабларига мослаш учун бинони комплекс конструкцияга айлантириб, бинони иккита алоҳида блоklarга бўлиш керак.
2. Пол қопламаларини 100% га алмаштириш керак.
3. Эшик ва дераза табақаларини 100% га алмаштириш керак.
4. Том ёпмани 20% гача алмаштириш керак.
5. Ички ва ташки пардозлаш ишларини 100% га бажариш керак.
6. Бино периметри бўйлаб сув қочириш қопламасини (отмостка) бажариш керак, яъни тиклаш керак.

Хулоса.

Бино зилзилабардошлиги 7-баллик ҳудудга текширилаётган вақтда техник ҳолати ҚМҚ [1] талабларига жавоб бермайди.

Бино капитал таъмирлашни лойиҳалаётганда ва бажарилаётганда юқорида қайд этилган тавсиялар инобатга олинishi керак.

Таъмирлаш ишларини лойиҳалаш вақтида бино ва юк кўтарувчи конструкцияларга тушадиган юк, лойиҳалашга қадар тушадиган юклардан ошмаслиги керак.

**Бинога кўрсатиладиган сервис хизмати бўйича амалга ошириладиган
тадбирлар қуйидагилардан иборат:**

1. ҚМҚ 2.01.03-96. 3.1 жадвалига асосан қилинажак барча тадбирлар яъни бинони 2 та алоҳида бўлиб, сейсмик нуқтаи назардан кучсизланган бўйлама деворларни яхлит рама билан кучайтириб в аҳар бир бўйлама ва кўндаланг деворлар туташган қисмидан пойдевордан то 2-чи қават том ёпма сатҳигача темир-бетон плиастрлар (ички ва ташқи томондан бинони) билан жиҳозлаш натижасида бинони комплекс конструкцияга айлантирамиз. Бунинг натижасида бинони зилзилабардошлигини, умрбоқийлигини, мустаҳкамлигини оширамиз.
2. Бино пойдеворида вертикал гидроизоляцияни тиклаймиз.
3. Бино атрофини периметри бўйича отмосткани тиклаймиз.
4. Барча хоналарда яроқсиз поллар тахта полларга алмаштириб, бетондан одам танасига совуқ ҳаво оқимини камайтиришига эришамиз.
5. Хоналарда барча эшик ва деразаларни янги замонавий пластик эшик ва ромларга (АКФА) деразаларга яъни эшик ва дераза блоклари тўлиғича алмаштириб, хоналарни микроиклимини яхшилашга, акустикани яхшилашга эришамиз.
6. Барча муҳандислик коммуникация кўздан кечирилиб, яроқсиз ҳолга келган коммуникациялар (электр жиҳозлари, сув таъминоти, иссиқлик таъминоти жиҳозлари ва бошқалар) алмаштириш натижасида ўқув биносида нормал иш фаляти юритиш учун керакли микроиклим шароитини яратамиз.
7. Том қисмида яроқсиз асбестоцемени листларни, яъни том ёпма листларни алмаштириш натижасида бино конструкцияларини (ораёпма, девор, пол ва бошқалар) емирилишдан сақлаймиз.

**ТЕХНОЛОГИЯ
СОХАСИ ВА
МЕХНАТ
МУХОФАЗАСИ
ҚИСМИ**

2-БЎЛИМ. ТЕХНОЛОГИЯ СОХАСИ ВА МЕХНАТ МУХОФАЗАСИ ҚИСМИ.

Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги қайта таъмирланаётган 1-мактаб биноси:


Арматура - бу думалоқ ёки профилли кесимли прокат усулида олинган стерженли ёки симли ёки улар асосида тайёрланган буюмлар тарзидаги чўзувчи (чўзиладиган буюмларни чўзилиш қисмида), сиқувчи (устун ёки вертикал юкларни қабул қилишда) кучларни қабул қилувчи бетон ичига ўрнатиладиган пўлат (ойна пластик) буюм.

Фойдаланиш мақсадига кўра улар: **ишчи арматура**, улар темирбетондаги юк таъсиридан зўриқишни эътиборга олиб ҳисоблаш йўли билан ўрнатилади; **юкни тарқатувчи арматура**, яъни юкни арматура каркасидаги ишчи арматураларига тенг тақсимлаб берувчи; **монтаж арматураси** - каркасдаги ишчи арматураларни ўзаро бирлаштириб турувчи турларига бўлинади

Ҳар хил буюмлар учун арматура элементларини УзРСТ 733-96 ва ГОСТ 2 586.1.83 нинг талабларига мос келадиган аниқлик билан ўрнатиш технологик қоида ва меъёрларга риоя қилган ҳолда тайёрлаш лозим.

Темирбетон буюмларини арматуралаш учун арматуранинг қуйидаги турлари: стерженли, симли ва арқонсимол ўрамали мавжуд.

Юзалари тузилишига қараб арматуралар қуйидаги (расм 6.25) да келтириш турларига бўлинади.



Арматура турлари

а- силлик думалоқ; б, в- иссиқ ҳолда юмшатишган даврий изли; А-II ва А-III синфли; г, д- совуқ ҳолда ишлов берилган; е- арқонсимон ўралган.

Хажмий каркасни йиғиш қуйидаги усулларда: арматура турини букиб; ясси синчларини ўзаро электр ёйли пайвандлаш орқали бириктириб амалга оширилади.

Биз каркас ясашда арматура буюмларни йиғишда уларни диаметрини 0,8мм А-I ва 16 мм бўлган А-III пўлат симлар билан боғлаш усули қўлланилди. **Монтаж ишларининг техник – иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаш.**

Кранларни техник-иқтисодий таққослашда асосий кўрсаткич бир тонна конструкцияни монтаж қилиш учун келтирилган яъни ҳаражатлардир,

$$C_{\text{кел,ялп}} = C_e + E_n * K_{\text{сол}} \text{ сўм/тонна}$$

C_e - бир тонна конструкцияни монтаж қилиш таннархи. Ҳар бир оқим учун алоҳида аниқланади, сўм/тонна,

E_n - капитал қуйилмаларнинг меҳёрли самарадорлик коэффиценти ($E_n = 0.15$)

$K_{\text{сол}}$ - солиштирма капитал қуйилмаларнинг миқдори, сўм/тонна.

Бир тонна конструкциянинг монтаж қилиш таннархи қуйидаги формула билан аниқланади:

$$C_e = 1.08 * C_{\text{м-см}} + 1.5 \sum Z_{\text{ўрт}} / \Pi_{\text{н.см}} + 1.08 * C_u * m / P, \text{ сўм / тонна}$$

бу ерда C_e - бир тонна конструкцияни монтажқилиш таннархи, ҳар бир оқим учун алоҳида- алоҳида ҳисобланади;

1.08 ва 1.5 – устама ҳаражатларни ҳисобга олувчи коэффицентлар, яъни машиналардан фойдаланиш, монтажчиларнинг иш ҳақи ва бошқалар.

$C_{\text{м-см}}$ - краннинг бир сменадаги таннархи, сўм ҳисобида.

$\sum Z_{\text{ўрт}}$ - монтажчилар звеносининг 1 сменадаги ўртича иш ҳақи, сўм ҳисобида.

$\Pi_{\text{н.см}}$ - ҳар бир алоҳида оқим учун краннинг бир сменадаги норматив (меъёрий) иш унуми, т / смен. ҳисобида.

Бу параметр қуйидагича аниқланади,

$$\Pi_{\text{н.см}} = P / \Pi_{\text{н.см}}, \text{ тонна / смена да}$$

бу ерда P – ҳар бир алоҳида оқимда монтаж ишларининг ҳажми,яъни монтаж қилинадиган конструкцияларнинг оғирлиги, тонна ҳисобида;

$\Pi_{н.см}$ - ҳар бир алоҳида оқимда конструкцияларни монтаж қилишга сарф бўлган машина вақти, машина – сменада ҳисобланади (калькуляция жадвалидан олинади).

C_n - тайёрлов ишлари учун сарфланадиган ҳаражатлар (шартли равишда курс ишини бажаришда гусеницали, пневмо ғилдиракли ҳамда автомобиль кранлари учун $C_n = 0$ га тенг деб, минорали кранлар учун махсус адабиётлардан фойдаланиб C_n нинг қиймати олинади. Жумладан рельсли изларни ўрнатиш сарф-ҳаражати кабилар).

m – кран ости йўналидаги 12.5 метрли секциялар сони, донада.

Бир тонна конструкцияни монтаж қилиш учун солтштира капитал қўйилма миқдорини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз,

$$K_{сол} = C_{и.х} * t_{см} / \Pi_{н.см} * T_{йил}, \text{ сўм/тонна}$$

бу ерда $C_{и.х}$ - краннинг инвентарь – ҳисобий таннарни, сўм;

$t_{см}$ - бир сменадаги иш вақтининг давомийлиги (курс ишини бажаришда 8 соатга тенг деб қабул қилинади);

$\Pi_{н.см}$ - шу оқимдаги краннинг бир смена мобайнидаги иш унуми, тонна/смена;

$T_{йил}$ – краннинг бир йилдаги ишлаш меъёри, соатларда ёки сменада.

Қолип - бетон қоришмасини қуйиб, қуйилаётган буюм ёки конструкцияга маълум лойиҳани ўлчаш ва шакл берувчи вақтинчалик ёрдамчи конструкция. Қолипга бетон қоришмаси қуйилиб, у қотгунга қадар ушлаб турилади.

Қолип юк кўтарувчи, ушлаб турувчи ва шакл берувчи элементлардан ташкил топади.

Қолип қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

1. етарли даражада мустаҳкам;
2. ишчи ҳолатда ўз шаклини ўзгартирмаслик;
3. технологик юк ва бетон қоришмаси босимидан геометрик ўлчашни ўзгартирмаслик;
4. қуйилган конструкциялар юзалари сифатини таъминлаш;
5. йиғиш ва ечиб олиш қулай бўлиши;
6. бир неча маротаба қўшимча таъмирлашсиз ишлатиш.

Конструктив жиҳатдан қолиплар қуйидаги **ечиb қайта ўрнатиладиган майда донали қолиплар ишлатилди.**

Буюмларни қолиплаш учун фойдаланиладиган қолиплар ва стендлар буюмга бўлган стандарт ва техникавий шароитлар ва лойиҳа хужжатлари талабига жавоб беришдаги йўл қўйиладиган оғишга эга бўлган ўлчамдаги буюмларни тайёрлашга мўлжалланган, *ГОСТ 25781-83** га мувофиқ бўлиши лозим.

Қолип тузилмалари, уни ушлаб турувчи таг тузилма, устунлар, қотиргичлар ва бошқа қисмлари мустаҳкам, устивор бўлиши, ўрнатиш ва ечиb олишга, арматуралаш ва бетон қурилмасини қуйиш учун қулай бўлиши зарур.

Қолипни бевосита бетонга тегиб турадиган қисми зич, тирқишлар бўлмаслиги, яъни улардан цемент сути оқиб кетиш олди олинган бўлиши зарур. Юқори сифатли юза ҳосил қилиш учун металл қолиплар ички юзаларига турли суркаш материаллари суркалади.


Қолипни ташқи намлик ва цемент сути таъсирига чидамлилигини ошириш, узок вақт фойдаланиш имкониятини яратиш мақсадида улар юзаларига фенол смоласи, бакелит смоласи, спиртли лок, эпоксид- фенол локи, кремний органик локларни шимдириш мақсадга мувофиқ. Бундай юпқа каватлар фанера, ёғоч-пайрахали ва ёғоч толали плиталарга уларни 130°-150°С ҳароратда 1,4-1,5 МПа босим остида пресслаш орқали ҳосил қилинади.

Қолип тузилмалари, ушлаб турувчи тузилма, устунлари вертикал ҳамда горизонтал юклар (кучлар)ни қабул қилишга мўлжалланган бўлиши зарур. Улар қуйидаги вертикал юклар бевосита қолипнинг массаси (ишчи чизмага қараб аниқланади) янги қуйилган бетон қоришмаси массаси (2000-2500 кг куч/м³), арматура массаси ўртача 1 м³ темирбетонга 100 кг. Куч, ишчилар транспортдан 250 кг куч/м², бетон қоришмасини зичлашдаги титратилишдан 100 кг куч/м².

Горизонтал юклар шамолнинг қолипнинг вертикал юзасига, янги қуйилган бетон қоришмасини зичлашда қолип деворларига тушаётган юклардир.

Қолип шитларини қобирғали, текис, синчли тайёрланади. Уларнинг элементлари қуйидаги расмда келтирилган.

Майда шитли қолиплар асосан 19-25 мм қалинликдаги ва эни 150 мм гача бўлган тахтадан планкаларга қоқилиб тайёрланади (расм 6.14.а). Тўсинлар ости қолипни тахтаси қалинлиги 30-40 мм атрофида бўлиши зарур. Тахталар имкони борича шпунт қилиб бириктирилса мақсадга мувофиқ бўлади.



Ечиб қайта ўрнатиладиган ва майда шитли қолиплар элементлари;

а- планкага қотирилган ясси шит; б- атрофи ва белдамчиси металл уюлникдан тайёрланган металл листли; в- сувга чидамли фанерадан тайёрланган; г- металл ёки ёғочдан тайёрланган ҳомут. 1- қолип шити; 2- планка; 3- пўлат лист; 4- уюлникдан тайёрланган тутгич; 5- ёғоч тутгич; 6-ҳомут; 7- пона; пона уячаси.

Биринчи навбатда қолипни вертикал шитлари ўрнатилиб, улар болт ёрдамида бириктирилади, қолипнинг фазовий мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида ҳар 400-600 мм масофага инвентар ҳомутт 2 ўрнатилади. Тўсин қолипни телескопик устун 5 устига блокли струбцина 3 ёрдамида ўрнатилади. Тўсин устки қисмини ўлчами тиргак 4 билан таъминланади. Қолип устиворлигини таъминлаш мақсадида уларни подкос ёки тортгич 6 ёрдамида тортиб қўйилади. Тўсинни ушлаб турувчи элемент бўлиб телескопик устун хизмат қилади. Телескопик устун ва струбцина блоки имкон борича ўлчамни таъминловчи, силжувчан инвентар ҳолда тайёрланади.

Қолипни остидан ушлаб турувчи леса - инвентар ёғоч ёки металл телескопик устундан ташкил топган. Улар бевосита грунтга ёки қаватаро ёпмаларга таяниши мумкин. Бундай конструкциялар кўп қаватли бино қаватаро ёпмалари ёки

баландлиги 6 метргача бўлган бир қаватли бинолар ёпмалар қолипларини ушлаб туриш учун хизмат қилади. Бундай қолип остидан ушлаб турувчи леса комплектига пролети 3÷4 ва 4-6 метргача ригеллар ҳам кўзда тутилган. Устунсимон лесалар диаметри 12-14 см бўлган ходаларни ўзаро улаб керакли баландликкача ўрнатилиши мумкин.

Қолип ишларини бажариш технологияси

Қолипларни ўрнатиш ва уларни ечиб қайта ўрнатиш, иш бажариш лойиҳалари асосида амалга оширилади. Йирик қолиплар, яъни йириклаштириб олинган қолиплар механизмлар ёрдамида ўрнатилади. Якка тартибда конструкциялар қолипи, массаси 50 кг гача бўлганда улар қўлда ўрнатилиш мумкин.

Қолип ўрнайдиган асос етарли мустаҳкам, юк кўтарувчан ва қолипни чўкмаслигини таъминлаши зарур. Қолип ўрнатиб бўлингач у ўрнаган устунлар, лесалар ва қолипнинг ўзини мустаҳкамлиги, лойиҳага мослиги текшириб кўрилиши зарур.

Бетон қоришмаси қуйишдан олдин бетон қоришмасини қолипга ёпишишини олдини олувчи махсус ёғловчи модда суркалиши зарур.

Қолипни ечиб олиш бетон етарли миқдорда мустаҳкамлигини олгандан сўнг ёки лойиҳада белгиланган вақтда амалга оширилади. Қолип ечиб олинаётганда конструкция юзалари ва бурчакларини қурилиш ва ўпирилиш олди олинishi зарур.

Қолип ишларини бажариш схемасида юк кўтарувчи механизмлар рўйхати, қолипларни тахлаш жойи ва қолипларни йиғиб йириклаштириш ўрни кўрсатилган бўлиши зарур. Иш жойини ташкил қилишдан мақсад иш бажаришга қулай шароит яратишдир. Қолип ўрнатиш ишларини, бажаришда ишчи звено таркиби қолип тури, ва уларни ушлаб турувчи элементларга қараб танлади. Уларни қандай малакада ишчилар бажариши қуйидаги (6.6-жадвал) да келтирилган.

Пойдеворнинг бўйлама ва кўндаланг ўқларни ҳолатини шовун ёрдамида белгиланади. Қолип ўрнашидан олдин ёғоч маяклар қоқиб олиниб, лага шит ҳолати ёки ушлаб турувчи элемент ҳолати белгилаб қўйилади. Агар қолип бетон

тўшама устига ўрнатиладиган бўлса, у ҳолда белгилар бўёқ ёрдамида бетон юзасига туширилади.

Бетон қуйиш ишлари - бетон ва темирбетон конструкциялар барпо қилишнинг энг охирги ва масъулиятли жараёндир. Қуйилган бетон қоришмаси лойиҳада кўзда тутилган шаклдаги тузилмани ҳосил қилади.

Бетон қуйиш ишларини бошлашдан олдин қолипнинг лойиҳага мослиги, ўлчамлари, мустаҳкамлиги, унга ўрнаган арматура каркаси, тўрининг ва закладнойларининг ўрнида, шунингдек, мослиги текшириб кўрилади.

Агар бетон қоришмаси бевосита ер устига қўйиладиган бўлса, у ҳолда асосни тайёрланиш даражаси текширилиб кўрилади. Текширишлар натижалари бекиб кетадиган ишлар далолатнома билан расмийлаштирилб қўйилади. Иш бошлашдан олдин шу далолатномалар тўлиқ ўрганилиб чиқиши лозим. Шунинг эса тутиш керакки, қотиб қолган бетонни ёки бетон конструкцияларда йўл қўйилган хатони тўғрилаш жуда катта қийинчиликларга олиб келади. Шунинг учун бетон қуйиш технологиясига тўлиқ амал қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар қандай қолип бетон қуйиш ишларидан олдин босимли сув ёки сиқилган ҳаво билан бетон қоришмаси қўйиладиган қолип тозаланиши зарур. Бетон қуйиш ишларини бошлашга 1 соат қолганда ёғоч ва фанера қолиплар сув сепиб намланади.

Агар қолипда 8 мм дан ортиқ бўлган ёриқлар бўлса улардан цемент сути оқиб кетмаслиги учун чоклари тўлдирилади.

Арматуралар зангдан ва лойдан тозаланди. Бетон қуйиш ишларига қатнашадиган барча машина ва механизмлар ҳам иш бошлашга шайлаб қўйилади.

Бетон қоришмасини қабул қилиш, тарқатиш ва зичлаш узлуксиз кетма-кетликда бажарилади. Шунинг учун ушбу технологик жараён доимо техник назорат остида олиб турилиш зарур. Бунинг учун ҳар куни ва ҳар сменада бетон ишларини олиб бориш журнали тўлдириб борилиб, унга куни, сменаси, бетон қоришма хоссаси, иш ҳажми, қоришмадан олинган намуна куни ва сони ташқи ҳаво ва бетон қоришмаси ҳарорати, қолип тури ва уни қачон ечиш куни ёзиб

борилади Смена охирида инвентарлар, машина, механизмлар ҳамда бетон ташувчи жиҳозлар ювиб бетон ёпишмаларидан тозалаб қўйилади.

Бетон қуйиш давомида бетонни эркин тушиш баландлигини албатта ҳисобга олиш, агар у масофа катта бўлса юқорида келтирилган у масофани қисқартирувчи: хобот, тарнов, бадья ва лотоклардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Катта массив тузилмаларга бетон қуйишда поғона-поғона бажаришга йўл қўйилади. Лекин шуни ҳисобга олиш зарурки, ҳар бир қаватга - поғонага қўйиладиган бетонни қуйишга кетган вақт олдинги қуйилган бетон қоришмасини кетиш вақтидан ортиб кетмасин. Аниқ бир ҳолатлар учун бу вақт лабораторияларда ҳаво ҳарорати ва бетон ҳоссасига қараб ҳисоблаб берилади.

Қолипларни ечиб олиш

Инвентар ечиб олиш ва қайта ўрнатиладиган қолиплар «Қурилиш меърлари ва қоидалари» белгилаган вақт ва кетма-кетликда амалга оширилади. Қолипни вақтида ечиб олиш унинг қайта қўллаш имкониятини оширади. , устуннинг қолиплари, деворларнинг қолиплари 6-72 соат давомида ечиб олинади.

Юк кўтарувчи конструкциялар қолиплари агар унга ҳақиқий юк меъёрининг 70 % дан ортиғини ташкил қилса , у ҳолда тузилма 100% мустаҳкамлигини олгандан сўнг ечиб олинади.

Агар унга тушаётган юк ҳақиқий юк меъёрий юкни 70 % гачани ташкил этса ва плита пролети 3 метргача бўлса, шунингдек 6 метр пролетгача бўлган бошқа юк кўтарувчи конструкциялар қолиплари бетон мустаҳкамлигини 70 % ни олгандан сўнг ечиб олиш мумкин. Катта пролетли, олдиндан зўриқтирилган арматурали юк кўтарувчи конструкциялар қолиплари бетон мустаҳкамлигини 80 % ни олгандан сўнг ечиб олинади.

Ер силкиниш районларида қолипни ечиб олиш учун талаб қилинган мустаҳкамлик лойиҳада кўрсатилади. Агар конструкция юк кўтарувчи каркас билан арматурланган бўлса, у ҳолда қолип бетон мустаҳкамлигини 25 % ни олганда ечиб олиш мумкин.

Бетон қандай ҳарорат ва неча кунда қандай мустаҳкамлигини олишини аниқлаш назорат намуналарини худди қурилиш шароитидагидек мухитда текшириб кўриб сўнг аниқланади.

Майда шитлардан ташкил топган қолипларни ечиб олишда унинг қотиргичлари махсус мих суғиргич ёрдамида ажратилади.

**БИНОЛАРНИ
ЭКСПЛУАТАЦИЯ
ҚИЛИШ СОХАСИ**

3-БЎЛИМ. БИНОЛАРНИ ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИШ СОХАСИ ҚИСМИ

Бино ички сув таъминоти.

Маълумки ҳозирги вақтда аҳолини иссиқлик, газ ва сув билан узликсиз равишда сифатли таъминлашга Республикамизда жуда катта эътибор берилмоқда. Шу боис мамлакатимизда иқтисодий ислохатларни амалга оширишда мазкур соҳа чуқур урганилиши ва асосий устувор йўналишлардан бири деб белгиланган. Мухим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган ушбу соҳада йиллар давомида жиддий муоммолар тўпланиб, ҳозирги кунда ўз ечимини кутмоқда. Улар орасида бино ва иншоотларни иссиқлик билан таъминлаш ва уни бошқаришнинг бутун тизимини кескин ўзгартириш, муқобил (альтернатив) ёқилғи ва энергия манбаларидан, хусусан, қуёш энергиясидан фойдаланган ҳолда, локал иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти тизимларига босқичма-босқич утишни таъминлаш, ҳамда эскирган, ёқилғини кўп сарфлайдиган қозонхоналарни, табиий газни тежаб сарфлайдиган, янги замонавий ускуналарга алмаштириш, бино ва иншоотларни иситиш, шамоллатиш, хавосини кантициялаш тизимларида замонавий энергия сарфини жихатдан тежамкор жихозлар, ростлаш асбоб-ускуналари, шунингдек, янги технологиялардан Республика шароитида унумли ва кенг фойдаланиш каби масалаларига алоҳида аҳамият бериш лозим.

Мазкур масалаларни маваффақиятли амалга тадбиқ этиш учун, ушбу соҳага замонавий иссиқлик, газ таъминоти ва вентиляция тизимларининг тузимини, ишлаш принциплари, асосий жихозларни, ҳисоблаш ва лойиҳалаш, синаш ва фойдаланиш қоидаларисир-синаотларини чуқур билимга, малака ва қуникмага эга бўлган бакалавр, магистр мутахассисларини тайёрлаш даркор.

Мазкур услубий курсатмада бакалавр талабалар курс иши ва лойиҳаларни бажариш учун, бино ва иншоотларни иссиқлик билан таъминлашда, лойиҳалашда босқичма-босқич ҳисоб-китоб ишлари юритиш учун қўрсатмалар келтирилган.

Иссиқлик бўлими;

Ташқи девор (тўсиқ) ларни техникавий иссиқлик ҳисобини аниқлаймиз. Тўсиқ конструкцияларини иссиқлик химоя қилувчанлигини ҳисоблаш билан бирга

уларни массивликларини аниқлаш лозим. Иссиқлик ўтказиш қаршилигини тўғри танлаш керак.

Топширик буйича менга берилган Дўстлик туманининг ташқи температураси $t_t = -19^\circ\text{C}$ ва $t_{т5} = -19^\circ\text{C}$.

Ташқи тўсиқ эксплуатацияси қилиниш шароитини А параметрда қараб чиқамиз. Хар бир қатлам учун термик қаршилик **R** алоҳида топилади.

$$R_1 = \frac{\delta_1}{\lambda_1} = \frac{0.03}{0.76} = 0.039 \frac{\text{m}^2\text{C}}{\text{Вт}}$$

$$R_2 = \frac{\delta_2}{\lambda_2} = \frac{0.38}{0.69} = 0.55 \frac{\text{m}^2\text{C}}{\text{Вт}}$$

$$R_3 = \frac{\delta_3}{\lambda_3} = \frac{0.02}{0.69} = 0.028 \frac{\text{m}^2\text{C}}{\text{Вт}}$$

$$\Sigma R = 0.032 + 0.63 + 0.58 = 1.242 \frac{\text{m}^2\text{C}}{\text{Вт}}$$

Ташқи тўсиқларнинг талаб этилган иссиқлик ўтказувчанлик қаршилиги, яъни термик қаршилигини қуйидаги формула орқали топамиз.

$$R_O^{tp} = \frac{(t_B - t_n)^n}{\Delta t^n} R_B, \text{ м}^2\text{C/Вт}$$

Бу ерда: t_B - қабул қилинган, хона ички температураси, $^\circ\text{C}$

t_n - ташқи ҳаво температураси, қишки, $^\circ\text{C}$

R_B – девор ташқи юзасининг термик қаршилиги.

$$R_O^{tp} = \frac{(t_B - t_H)^n}{\Delta t^n} R_B = \frac{(18 - (-17)) \cdot 1}{6 \cdot 8.72} = 0.668 \frac{\text{m}^2\text{C}}{\text{Вт}}$$

Бу ерда $\frac{1}{a_b} = R_B, \frac{1}{a_n} = R_n$ - тўсиқ юзасининг ички ва ташқи иссиқлик ўтказувчанлик қаршилиги.

Хисоблаш тартиби қуйидагича амалга оширилади.

1) бир қаватли ёки кўп қаватли девор қурилмаларини иссиқлик ўтказувчанлик қаршилигини қуйидаги формула билан аниқлаймиз:

$$R_x = R_B + R_1 + R_2 + R_3 + R_H = 0,154 + 0,039 + 0,55 + 0,028 + 0,058 = 0,829; \text{ м}^2 \text{ } ^\circ\text{C}/\text{Вт};$$

Бу ерда $\frac{1}{a_b} = R_B, \frac{1}{a_n} = R_n$ - тўсиы юзасининг ички ва ташқи иссиқлик ўтказувчанлик қаршилиги.

$$\frac{\delta_1}{\lambda_1} + \frac{\delta_2}{\lambda_2} + \frac{\delta_3}{\lambda_3} + \dots \frac{\delta_n}{\lambda_n} \text{ - девор қатламларини термик қаршиликлари (м}^2 \text{ } ^\circ\text{C}/\text{Вт}).$$

Қурилиш жойининг иқлим шароитига қараб, талаб қилинган термик қаршилиқ R_o^{tp} , умумий термик қаршилиқ R_x кичик ёки тенг бўлиши шарт ($R_o^{tp} \leq R_o$).

$R_o^{tp} \leq R_o$ булса ташқи тусиқнинг хоналарда иссиқлик сақлаши қаноатлантормайди.

Бундай ҳолларда ташқи тусиқ совуқ хавода музлаши, тусиқ қатламларида намлик ошиши ва ўз навбатида тусиқнинг ички сиртида намлик ҳолатларни курсатади.

Ташқи тўсиқ иссиқлик энергияси характиристикаси **D** қуйидагича топилади.

(агар $D \leq 1.5$ бўлса енгил, $1.5 < D < 4$ кичик массивли, $4 < D \leq 7$ ўртача массивли, $D > 7$ бўлса массивли хисобланади).

$$D = R_1 S_1 + R_2 S_2 + \dots + R_n S_n$$

Бу ерда: $R_1, S_1, \dots, R_n$ – ташқи тусин хар бир қатламининг термик қаршилиги ($\text{м}^2 \text{ } ^\circ\text{C}/\text{Вт}$).

$R_2, S_2, \dots, S_n$ - ташқи тўсиқ хар бир қатламининг иссиқлик ўзлаштириш коэффиценти ($\text{Вт}(\text{м}^2 \text{ } ^\circ\text{C})$)

Алоҳида хар бир қатлам материаллари учун иссиқлик ўзлаштириш коэффиценти **S** ни алоҳида хисоблаб топамиз.

$$S = 0.51 \sqrt{\lambda C_\omega \gamma_\omega}, \text{ Вт}(\text{м}^2 \text{ } ^\circ\text{C})$$

Бу ерда: λ - материалнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти $\text{Вт}(\text{м}^2 \text{ } ^\circ\text{C})$.

Р.В.Шекин I-I таблица.

C_ω - нам материалнинг нисбий иссиқлик хажми.

γ_ω - нам материалнинг хажим массаси.

Нам материалнинг нисбий иссиқлик хажми **C_ω** қуйидаги формула орқали топамиз:

$$C_{\omega} = \frac{C_o + 0.01\omega}{1 + 0.01\omega}$$

Бу ерда: C_o – куруқ материалнинг нисбий иссиқлик қаршилиги Р.В.Шекин

I.1 таблица

ω - материалнинг намлик массаси, % фоиз хисобида. Р.В.Шекин I.1 таблица

Нам материалнинг хажим массасини қуйидагича аниқлаймиз:

$$\gamma_{\omega} = \gamma_o \left(1 + \frac{\omega}{100}\right)$$

Бу ерда: γ_{ω} - материалнинг хажим массаси, кг/м³

Иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти K ни ташқи девор, том ёпмаси, ташқи дераза ва эшиклар, ҳамда пол учун аниқлаймиз.

Ташқи тусин массиклиги аниқлаш учун иссиқлик энергияси D ни топамиз.

$$1. C_{\omega} = \frac{C_o + 0.01\omega}{1 + 0.01\omega} = \frac{0.2 + 0.01 \cdot 4}{1 + 0.001 \cdot 4} = 0.23 \cdot 1.163 = 0.26 \frac{\text{Вт}}{\text{кг}^{\circ}\text{C}}$$

$$\gamma_{\omega} = \lambda_o \left(1 + \frac{\omega}{100}\right) = 1800 \left(1 + \frac{4}{100}\right) = 1872 \frac{\text{кг}}{\text{м}^3}$$

$$S_1 = 0.51 \sqrt{\lambda C_{\omega} \gamma_{\omega}} = 0.51 \sqrt{0.76 \cdot 0.26 \cdot 1872} = 9.8$$

$$D_1 = R_1 S_1 = 0.39 \cdot 9.8 = 0.$$

$$2. C_{\omega} = \frac{0.24 \cdot 0.01 \cdot 2}{1 + 0.01 \cdot 2} = 0.258 \frac{\text{Вт}}{\text{кг}^{\circ}\text{C}}$$

$$\gamma_{\omega} = 1800(1 + 0.02) = 1836 \frac{\text{кг}}{\text{м}^3}$$

$$S_2 = 0.51 \sqrt{0.69 \cdot 0.258 \cdot 1836} = 9.22 \frac{\text{Вт}}{\text{м}^2 \text{ } ^{\circ}\text{C}}$$

$$D_2 = R_2 \cdot S_2 = 0.55 \cdot 9.22 = 4.5$$

$$3. C_{\omega} = \frac{0.23 + 0.01 \cdot 4}{1 + 0.01 \cdot 4} = 0.262 \frac{\text{Вт}}{\text{кг}^{\circ}\text{C}}$$

$$\gamma_{\omega} = 1600 \left(1 + \frac{4}{100}\right) = 1664 \frac{\text{кг}}{\text{м}^3}$$

$$S_3 = 0.51 \sqrt{0.698 \cdot 0.262 \cdot 1664} = 8.85 \frac{Bm}{m^2 \circ C}$$

$$D_3 = R_3 \cdot S_3 = 0.28 \cdot 8.85 = 2.47$$

$$\Sigma D = D_1 + D_2 + D_3 = 0.382 + 5.07 + 2.47 = 11.36$$

$D = 11.36 > 7$, демак девор конструкцияси ўта массив

$$R_o^{TP} < R_o = 0.668 < 0.829$$

Ташқи тўсиклар учун K коэффициентни топамиз; $K = 1/R_o$

$$1. \text{Ташки девор} \quad K = 1/R_o = 1/0.829 = 1.21;$$

$$2. \text{Пол ертула ёпмаси} \quad K = 1/R_o = 1.56;$$

$$3. \text{Том усти ёпмаси} \quad K = 1/R_o = 1.12;$$

$$4. \text{Ики кават дераза} \quad K = 1/R_o = 1.96;$$

$$5. \text{Балкон эшиги} \quad K = 1/R_o = 3.45$$

Кабул килинган $K = 1/R_o$ кийматлар асосида ҳар бир хонадан йукотилаётган иссиқлик миқдори Q ни аниқлаймиз ва жадвалга ёзиб борамиз.

Бино хоналаридаги иссиқлик йўқолишини ҳисоблаш, ҳар бир хона ташқи тўсикларини алоҳида ҳисоблаш билан амалга оширилади. Ташқи тўсиклардан йўқалаётган иччиқлик миқдори, асосий ва қушимча иссиқлик йўқолишлардан иборат.

Асосий иссиқлик йўқолиши миқдори, алоҳида ҳар бир тўсиклардан йўқалаётган иссиқлик миқдоридан иборатдир.

Иссиқлик йўқолиши миқдорини қуйидаги формула орқали аниқлаймиз:

$$Q = F \frac{1}{R_o} (t_B - t_n) n,$$

Бу ерда: F – тўсиклар юзаси, m^2 ; R – тўсиклар иссиқлик ўтказувчанлик қаршилиги, $m^2 \circ C/Вт$

$t_B - t_n$ - ички ва ташқи ҳисобий температураси, $\circ C$

Хона-лар тартиб рақа-ми	Тўсиқлар							Қўшимча қиймат	Ис-сиқлик йўқолиши Q Вт/с
	Қутб томонлари	Тўсиқ номи	Ўлчамлари м	Сони, дона	Юзаси F₁м²	$\frac{1}{R_o}, \frac{M^{2^o}C}{B_t}$	t_B-t_n		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
101	Шр	Тд	6,4x2,7	1	17,28	1,21	35	1,15	731
	Ж	Тд	3,2 x 2,7	1	8,6	1,21	35	1,05	382
	Ж	Д-за	1,5 x 1,8	1	2,7	1,96	35	1,05	195
	-	Пл	6,4 x 3,2	1	20,48	1,56	35	1,04	615 1923
102	Ж	Тд	3,1 x 2,7	1	8,64	1,21	33	1,05	362
	Ж	Др	1,5 x 1,8	1	2,7	1,96	33	,05	183
	Шқ	Пл	3,1 x 3,8	1	11,78	1,56	33	0,4	243 788
103	Ж	Тд	3,1 x 2,7	1	8,64	1,21	33	1,05	362
	Ж	Др	1,5 x 1,8	1	2,7	1,96	33	,05	83
		Пл	3,1 x 3,8	1	11,78	1,56	33	0,4	243 788

104	Ж Гр Ж	Тд	3,2 x 2,7	1	8,6	1,21	35	1,1	382
		Тд	6,4 x 2,7	1	17,28	1,21	35	1,1	804
		Д-за	1,5 x 1,8	1	2,7	1,96	35	1,05	195
		Пл	6,4 x 4,4	1	28,16	1,56	35	0,4	615 1996
105	Гр Ш Ш	Тд	3,8 x 2,7	1	10,26	1,21	35	1,1	478
		Тд	3,2 x 2,7	1	8,6	1,21	35	1,2	45
		Д-за	1,5 x 1,8	1	2,7	1,96	35	1,2	222
		Пл	3,8 x 3,2	1	12,16	1,56	35	0,4	268 1383
106	Ш Ш Ш		4,4 x 2,7	1	11,88	1,21	33	1,2	569
			1 x 2,2	1	2,2	3,45	33	1,2	300
			1,5 x 1,8	1	2,7	1,96	33	1,2	209
			3,8 x 4,4	1	16,72	1,56	33	0,4	344 1422
107	Ш Ш Ш	Тд	4,4 x 2,7	1	11,88	1,21	33	1,2	569
		Б-эш	1 x 2,2	1	2,2	3,45	33	1,2	300
		Др	1,5 x 1,8	1	2,7	1,96	33	1,2	209
		Пл	3,8 x 4,4	1	6,72	1,56	33	0,4	344 1422
108	Шр Ш Ш	Тд	3,2 x 2,7	1	8,16	1,21	35	1,15	397
		Б-эш	3,8 x 2,7	1	10,26	1,21	35	1,2	521
		Др	1,5 x 1,8	1	2,7	1,96	35	1,2	222
		Пл	3,8 x 3,2	1	12,16	1,56	35	0,4	256 1405
201	Шр Ж Ж	Тд	6,4 x 2,7	1	17,28	1,21	35	1,15	731
		Тд	3,2 x 2,7	1	8,16	1,21	35	1,05	382
		Др	1,5 x 1,8	1	2,7	1,96	35	1,05	195 1308
202	Ж Ж	Тд	3,1 x 2,7	1	8,64	1,21	33	1,05	3362
		Др	1,5 x 1,8	1	2,7	1,96	33	1,05	183 545
203	Ж Ж	Тд	3,1 x 2,7	1	8,64	1,21	33	1,05	362
